

# TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY  
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО  
общественный электронный  
ЖУРНАЛ

—  
JOURNAL  
2022

№3

### **Бош муҳаррир:**

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

### **Бош муҳаррир ўринбосари:**

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

### **Масъул котиблар:**

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

### **Таҳририят аъзолари:**

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ УРФ-ОДАТ ВА  
МАРОСИМЛАРИ: қадимги диний тасаввурлар ва локал хусусиятлар**

**Акчаев Фаррух Шавкатович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори., доцент. Жиззах ДПИ ижтимоий-гуманитар фанларда масофавий таълим кафедраси мудирини.,

**Сайдамов Шахзод Арслан ўғли** – Жиззах ДПИ тарих факультети талабаси

Телефон: +998976448444  
e-mail. [akchayev\\_1984@inbox.ru](mailto:akchayev_1984@inbox.ru)  
(Orcid 0000-0001-5292-2101)

**Аннотация:** Ушбу мақолада Жиззах воҳаси аҳолисининг оилавий ва жамоавийлик асосида ўтказадиган урф-одат ва маросимларида, анъаналари ва халқона қарашларида қадимги диний тасаввурларнинг сақланиб қолинганлиги тарихий-илмий адабиётлар ва дала-этнографик тадқиқотлар асосида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Жиззах маданий ўлкаси, «ретранслятор макон», урф-одат, маросим, локал ўзига хослик, қурбонлик, эҳсон, солим, шомонлик, қонлаш, қушноч.

Бугунги кунда жаҳонда шиддат билан кечаётган интеграцион жараёнлар инсониятнинг тарихан шаклланган ранг-баранг миллий, диний, маънавий ва маданий қадриятларини, урф-одат ва маросимларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва уни сақлаб қолишни тақозо қилмоқда. Айниқса, тарихий-маданий минтақалар бўйлаб турли халқларнинг миграцияси, уларнинг миллий-маънавий мероси, дин, географик жойлашув, фаолият тури ва миллий қадриятлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган дунёқараши, анъаналарини тадқиқ этиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Шу боис республикамизнинг турли тарихий-этнографик минтақаларига хос бўлган этнохудудий хусусиятларни алоҳида олинган минтақалар доирасида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганиш кун тартибидаги муҳим масалалардандир. Бу ўринда юртимизнинг бошқа тарихий-этнографик

## Тарих ва Жамият илмий журнали

минтақалари қатори Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос ранг-барангликка эга бўлиб, ушбу мақолада воҳа аҳолисининг урф-одат ва маросимлари, миллий-худудий анъаналари ҳамда халқона қарашларида қадимги диний эътиқодлар ва тасаввурларнинг акс этиши, уларнинг воҳага хос локал жиҳатлари тарихий-илмий адабиётлар ва дала-этнографик тадқиқотларга асосланган ҳолда ёритиб берилади.

Тарихий манбаларда қайд этилганидек, қадим ўтмишда Суғдиёна, ўрта асрларда Уструшона давлати таркибига кирган ушбу маданий худуд, Турон замини тарихида муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ўрин эгаллаган, ундаги барча тарихий жараёнларда фаол иштирок этган, минтақанинг узвий, ажралмас бир бўлаги сифатида фаолият кўрсатган. Кўплаб манбалардан маълумки, Жиззах воҳасини, хусусан унга туташ Мирзачўли Буюк Ипак йўли тизимидаги карвон йўллари турли йўналишларда кесиб ўтган ва бу йўллар ўрта асрларда «Мовароуннаҳрнинг улкан савдо бандаргоҳи» - Самарқандни - Шош, Хўжанд, Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Хитой билан боғлаб турган. Шу билан бир қаторда Жиззах маданий ўлкаси азалдан Зарафшон дарёси ҳавзасидаги ўтроқ деҳқончилик воҳасининг шаҳар қишлоқлари учун муҳим стратегик аҳамиятга эга «шарқий дарвоза» вазифасини ўтаб, Шош ўлкаси, Фарғона водийси, Сирдарё бўйи кўчманчи - чорвадорлари учун бу ўлка моддий ва маданий, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўтказиладиган «ретранслятор макон» сифатида фаолият кўрсатган<sup>1</sup>. Инсоният маданияти ривожланишининг тарихий босқичларида воҳа худудининг қулай географик жойлашуви ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналарнинг уйғунлашган ҳолда шаклланишига сабаб бўлганлигини қуйида келтирилган маълумотлардан ҳам билиш мумкин.

Тарихдан маълумки инсоният маънавий тараққиётида оила қуриш ва бахтли ҳаёт кечиришнинг энг муҳим амалиётларидан бири бу - зурриёт қолдиришдир. Шунинг учун ҳам аёлнинг бебаҳо ҳислатларидан бири унинг фарзанд кўриши деб ҳисобланган. Болага меҳр қўйиш, кўп болали оилаларни

---

<sup>1</sup> Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи - Сар ИМКУ., Вып. 2, Т: «Фан», 1961, с. 92-93.

## Тарих ва Жамият илмий журнали

хурмат қилиш, оилага серфарзандликни тилаш каби эзгу ниятлар ўзбеклар миллий руҳиятининг ифодаси бўлиб, халқ орасида қадимдан фарзанд кўриш бахти энг юксак саодат ҳисобланган. Шу туфайли фарзанднинг кишига чексиз қувонч ва катта маънавий куч бағишлашини ифода этувчи жуда кўп мақол, кўшиқ, эртак ва дostonлар яратилган<sup>2</sup>. Шу билан бир қаторда аждодларимиз учун миллий менталитети даражасига кўтарилган, яшашнинг асосий мақсади бўлган фарзандли бўлиш билан боғлиқ қарашлари, анъаналари ва урф-одатлари узоқ минг йилликлар давомида шаклланган.

Жиззах воҳасида фарзандли бўлмаган кишиларни даволашда ҳозирги кунларга қадар Отинойи (кайвани)ларнинг ўрни сезиларли даражада сақланиб қолган бўлиб, улар кишиларнинг ушбу муаммолар билан боғлиқ барча тадбирларида, шу жумладан шахсий хонадонларида ўтказиладиган қуйидаги қадимий урф-одат ва маросимларда ҳам бошчилик қилишади. Жумладан, узоқ вақт хомиладор бўлмаган аёлларни даволашда Отинойи (кайвани)лар томонидан тандирхонага олиб келиб тандирни ичига уч маротаба, баъзи жойларди етти маротаба танасининг ярмига киргизиб, кинна солишлари кузатилди. Маҳаллий аҳоли вакилларида бунинг сабаби сўралганда, аёлнинг ичига кириб олган инсу-жинсларни шу амал орқали қувиш мумкинлигини таъкидлашди<sup>3</sup>. Бизнингча бу урф-одат ҳам катта эҳтимол билан зардўштийлик эътиқодидаги оловни муқаддас билиш ва у орқали турли ёмон кўзлардан халос бўлишга ишонишнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида сақланиб келаётган одат эканлигини таъкидлаш мумкин.

Бошқа ҳудудларда бўлгани каби воҳа аҳолиси орасида фарзандли бўлиш истагидаги кишилар орасида бугунги кунгача сақланиб қолган одатлардан яна бири бу кўпчиликдан дуо олиш анъанасидир. Бу анъана кўпқари ўйинларида яққол намоён бўлади. Узоқ вақт давомида набирали бўлмаган ёши катта кишилар ҳамда ёш оила вакиллари кўпқари ўйини ўтказиладиган жойга келиб

---

<sup>2</sup> Ақчаев Ф.Ш. Ўзбекларнинг фарзанд кўриш билан боғлиқ қарашларида қадимги эътиқодларнинг ўрни (Жиззах воҳаси мисолида). Сурхондарё: илм ва тафаккур.Илмий-услубий журнал.2021 йил, 4-сон. –Б. 56-63.

<sup>3</sup> F.Akchayev. The Pilgrimage and traditions of Jizzakh valley relating to chillax. Materials of the XVI International scientific and practical Conference Cutting-edge science - 2020, April 30 - May 7, 2020: Washington. 11-17 th.

## Тарих ва Жамият илмий журнали

имкониятидан келиб чиққан миқдорда пул ёки майда ва катта шохли молларни эҳсон қилиб, эвазига фарзанд кўрмаётган кишини фарзандли бўлишини Аллоҳдан сўраб дуо қилишларини билдиради<sup>4</sup>. Бакавул эса кенг оммага навбатдаги эҳсон (солим) ким томонидан қўйилаётганлиги ва мақсадни эълон қилиб, йиғилганлардан дуо қилишларини сўрайди.

Нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламида кенг тарқалган, барча мушкулотлар ечими учун ташкил қилинадиган навбатдаги маросим бу қурбонлик (худойи)дир. Қурбонлик арабча худога яқинлашиш, яъни унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлиқ сўйишни англатади<sup>5</sup>. Ислом анъанасига мувофиқ мазкур маросимда Аллоҳ йўлида катта-кичик жонлиқ сўйиб, худойи ўтказилиб, “эҳсон” ва “садақа” берилган. Зеро, эҳсон ва садақани фақат рамазон ойи ва ҳайит кунларида эмас, балки бошқа вақтларда ҳам бериш тўғрисида шаръий ва диний китобларда зарур тавсиялар берилган. Диний адабиётларда қурбонликни амалга ошириш ислом динининг кенг тарқалган маросим амалларидан бири эканлиги қайд этилган<sup>6</sup>. Фарзандли бўлиш мақсадида, зиёратгоҳларда ёки шахсий хонадонларда амалга ошириладиган қурбонлик ва эҳсонлар ҳам шулар жумласидандир.

Воҳадаги қурбонлик маросимлари икки кўринишда биринчидан, аталган қурбонликни тирик ҳолатда ёки сўйиб гўштини эҳсон қилиш шаклида амалга оширилади. Биринчи кўринишдаги қурбонлик – ёш болалар ҳамда аёлларда учрайдиган касалликларни даволаш, хомиладор аёл соғ-саломат фарзандли бўлиши ҳамда оила аъзосининг сафардан омон келиши (замонавий кўриниши ҳарбий хизматга ва хорижга ишлаш учун кетишдан аввал) мақсадида ўтказиладиган “қонлаш” (кўп ҳолларда хўроз ва товук билан) маросими бўлиб, бунда қурбонлик учун олиб келинган қўй ёки эчкининг қулоғидан, хўроз ёки товукнинг тожидан қон чиқариш йўли билан маросим ўтказилади<sup>7</sup>. Одатда,

<sup>4</sup> Дала ёзувлари. Жиззах вилояти туманлари 2014-2020 йиллар.

<sup>5</sup> Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б. 619–620

<sup>6</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Зикр ахлидан сўранг. – Тошкент: Nilol нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 225–233.

<sup>7</sup> Akchayev F.Sh., Davlatova H., Jumanazarova D. **Views and customs of Jizzakh people regarding parturition.** Society and innovations. Issue – 2 № 3 (2021). Tashkent.: 22-29 th.

## Тарих ва Ҷамият илмий журнали

қурбонлик учун аталган жонлик агар хонадон эгасининг ўз уйида қолса токи ният қилинган мақсади амалга ошгунча тирик ҳолатда юради ва сўнг қурбонлик қилинади. Қонлаш маросимининг иккинчи бир кўринишида ушбу иримларни бажарган бахши (қушноч)га, яқин ҳудуддаги масжид хужрасига (асосан, рамазон ойлари) ёки ночор оилага эҳсон сифатида берилади ва шу асосида маросим ўз ниҳоясига етган ҳисобланади.

Кузатишлар натижасида аён бўлдики, воҳада кишилар томонидан ўтказиладиган Қурбонлик маросимларининг баъзи бир юқоридаги (хомталаш қилиш, қонлаш) жиҳатларида қадимий эътиқод ва анъаналарнинг исломий амаллар билан аралаш ҳолатда сақланиб қолинганлигини ва аҳолининг чорва молларини эъзозлаши натижасида ҳам улар билан боғлиқ кўплаб урф – одатлар, маросимлар ва ўзига хос касбий қадриятлар шаклланганлигини, уларнинг айрим кўринишлари бугунги кунларда ҳам сақланиб қолганлигини кўриш мумкин.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, воҳа аҳолиси орасида иқтисодий жиҳатдан имконият бўлмаганда, қурбонлик учун қўй ўрнига хўроз ҳам сўйилади. Ҳозирги кунда қўй ва эчки нархларининг қимматлиги сабабли, баъзи бир амаллар учун асосан хўроз сўйилмоқда. Хўроз сўйиб, қон чиқариш одати исломдан олдинги даврлардаги диний қарашлар замирида вужудга келган азалий удумлардан бири ҳисобланади. Тарихий маълумотларга кўра, Олд Осиё ва Марказий Осиё халқларида эрамиздан аввалги VII–VI асрлардаёқ хўроз “ёвуз қора кучларни ҳайдовчи парранда” сифатида муқаддаслаштирилган<sup>8</sup>. Халқимиз орасида, жуда кўп ҳолатларда айниқса, зиёратгоҳларга борилганда хўроз сўйиб, қон чиқариш одати кенг тарқалган. Шунингдек, кундалик турмушда дарддан фориғ бўлиш, янги уйга кўчиб ўтиш, янги иш фаолиятини бошлаш ёки иш фаолиятида омадсизликка учраш каби ҳолатларда ҳам хўроз сўйиб, қон чиқариш анъанаси урфга айланган.

---

<sup>8</sup> Брагинский И. Из истории таджикской народной поэзии. – М.: Наука, 1956. – С. 26.

## Тарих ва Жамият илмий журнали

Таъкидлаб ўтилган урф – одат ва маросимлар бошқа кўплаб чорвадор туркий қабилаларда бўлгани каби воҳа аҳолиси анъаналарида ҳам исломгача бўлган даврдаги шомонийликнинг турли хил кўринишлари (аждодлар руҳига, Кўк Тангрига, дарёлар, сув ҳавзаларига ва ҳ.к.) билан боғлиқ диний маросимларни эслатади. Воҳанинг Туркистон (Моргузар) тоғларида, Ўриклисой дарасида тоғ қоясидан шарққа (қуёш чиқишига) қараб турган улкан (5х 3м ўлчамдаги) шомон – тош худо (Тангри санг) қояга ишланган ҳайкалнинг мавжуд<sup>9</sup>лиги қадим Уструшонада яшовчи чорвадор аҳоли орасида шомонийлик эътиқоди билан боғлиқ тасаввурлар, урф – одатлар кенг ёйилганлигидан далолат беради.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, воҳа бўйлаб олиб борилган этносоциологик тадқиқотлар натижасида шу аён бўлдики, маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ аксарият урф-одат ва маросимлар қадимги асл моҳияти унитилган бўлсада, аммо, халқона ислом дини анъаналари кўринишда ёки у билан қоришиқ ҳолда ўтазилаётган урф-одат ва маросимларда яшаб келаётганлиги очиқланди. Бу эса бир томондан воҳа халқларининг миллий урф-одатлари ва маросимлари узоқ тарихий асосга эга эканлигидан далолат берса, бошқа томондан анъаналар ва қадриятларга содиқлик каби фазилатлар бугунги кунларгача Жиззах воҳаси халқларида сақланиб келинаётганлигидан далолат беради.

---

<sup>9</sup> Toshboyev F., Aqchayev F. About the image of the Shaman which Studied on the Mountain Morguzar//**International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020. 3215 – 3224 th.**